

Қ А Р О Р
Илтимосномани рад этиш ҳақида.

05.11. 2005 йил

Фарғона шаҳри.

Фарғона вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари адлия катта маслаҳатчиси А.О.Ахмаджонов ушбу куни 41254013-сонли жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиб қўйидагиларни,-

а н и қ л а д и м :

Фарғона вилоят прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бўлими томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган айбланувчи Тожибоева Мұтабар Ибрагимовнага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми «б» банди ва бошқа моддалари билан қўзғатилган 41254013-сонли жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мазкур жиноят иши бўйича олиб борилаётган тергов ҳаракатлари давомида яъни, 02.11.2005 йил куни унинг химоячиси Д.Нурматова томонидан айбланувчи М.И.Тожибоевага нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чорасини муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартиришни ҳақида илтимоснома киритилди.

Қайд этилган илтимоснома қўйидаги асосларга кўра қаноталантириб бўлмайди.

Яъни,- Айбланувчи М.И.Тожибоева Марғилон шаҳар Зарафшон кўчаси 286-йда 23.10.1979 йилдан буён рўйхатдан ўтган бўлсада, лекин Марғилон шаҳар Зухро кўчаси 31 уй 31 хонадонида яшаб келиб, ҳеч қаердан рўйхатдан ўтмаган ҳолда ноқонуний равишда «Ўтюраклар кулиби»ни ташкил этиб фаолият кўрсатиб келган.

М.И.Тожибоева фуқаро Т.Мамадаминовга нисбатан тухмат уюштириб, каматиб юбориш ва ўлдириш билан қўрқитиб, уни пул берадиган шароитга солиб қўйиб, товламачилик йўли билан 1 миллион сўм пулларни уни каматиб юбормаслик эвазига талаб қилган.

06.10.2005 йил куни ўтказилган тадбир давомида М.И.Тожибоева фуқаро Т.Мамадаминовдан талаб қилган 1 миллион сўмдан 350 минг сўм пулларини товламачилик йўли билан ўз уйида олиб, бундан қониқмай яна 07 октябр куни 250 минг сўм пул олиб келишни, қолган 400 минг сўм пулларни йилни охирига қадарли беришни талаб қилган ва 07 октябр куни ўз уйида фуқаро Т.Мамадаминовдан 250.000 сўм пулларни олган пайтида ушланиб, холислар иштирокида 250.000 сўм пуллар ашёвий далил тариқасида олинган.

Ушбу жиноят иши бўйича олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари давомида айбланувчи М.И.Тожибоева томонидан содир этилган жиноий ҳаракатлари жиноят иши материалларида тўлиқ исботланган.

Айбланувчи М.И.Тожибоевага нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси бошқа эҳтиёт чора турига ўзгартириладиган бўлса, у жиноят ишини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона тергов ҳаракатларини олиб боришга ҳамда жиноят иши юзасидан аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлашга тўсқинлик қилиши мумкин. Шунинг учун айбланувчи М.И.Тожибоевага нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чорасини ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмас.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 241-моддасини қўллаб,-

қ а р о р қ и л д и м :

41254013-сонли жиноят иши бўйича химоячи Д.Нурматова томонидан айбланувчи М.И.Тожибоевага нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартиришни ҳақида илтимоснома асоссиз бўлганлиги учун рад этилсин.

Ушбу қабул қилинган қарор ҳақида манфатдор томонларга маълум қилинсин.

Фарғона вилоят прокурори
бирничи ўринбосари
адлия катта маслаҳатчиси:-

O. Ахмаджонов

О.М.Ахмаджонов